



ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

1999 йил 14 декабр, сешанба №177 (824)

ЎЗБЕКИСТОН-РОССИЯ: ҲАМКОРЛИК КУЧАЙМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов таклифига биноан Россия Федерацияси ҳукумати раиси Владимир Путин 10-11 декабр кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда меҳмон бўлди.

Ташрифнинг асосий ва муҳим қисми Дўрмон қароргоҳида бўлиб ўтди. Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов ҳамда Владимир Путин яккама-якка учрашиб, шу куннинг долзарб масалалари, ўзаро муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари тўғрисида фикр алмашди. Иқтисодий ҳамкорлик давлатларимиз ўртасидаги борди-келди, олди-сотдини ривожлантиришга қаратилган, аммо муҳими фақат бунда эмас. Мамлакатнинг иқтисодий тараққиёти молия, савдотик, маҳсулот ишлаб чиқариш тизими қандай йўлга қўйилгани, дунёдаги илғор давлатлар билан қай даражада шериклик қилишига боғлиқ. Шундай экан, хорижий давлатлар, жумладан, Россия билан иқтисодий ҳамкорликни янада кучайтириш нафақат бугун, балки келажак учун ҳам зарур.



Томонлар очик эътироф этди. Ўзбекистон билан Россия ўртасида дипломатик муносабатлар 1992 йили ўрнатилган. Шундан буён ўзаро ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётган. Утган йиллар ичида турли мақсадларга йўналтирилган 150 дан ортиқ ҳужжат имзоланган. Жумладан, молия, маданият, фан ва техника, таълим, ахборот, спорт ва сайёҳлик бўйича, шунингдек, иқтисодий интеграция-

ни кучайтириш ва ҳарбий соҳада ҳамкорлик бўйича ҳужжатлар бор. 1998 йилнинг май ойида Ислам Каримовнинг Россияга ташрифи, ўз навбатида ўша йилнинг октябрда Россия Президенти Борис Ельциннинг Ўзбекистонга ташрифи давлатларимиз бирдамлигини янада мустаҳкамлади, дейиш мумкин. Бу ташрифлар чоғида ҳамкорликда «Ил» русумли самолётлар ишлаб чиқариш,

1998-2007 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома ва бошқа ҳужжатлар имзоланди. Дўрмондаги музокаралар жуда самарали ўтди, десак хато бўлмайди. Томонлар кун тартибидagi масалалар юзасидан атрафлича фикрлашди. Музокаралардан сўнг, Президент Ислам Каримов ва Бош вазир Владимир Путин Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси

ўртасида ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорликни янада чуқурлаштириш тўғрисидаги шартнома имзолади. Шунингдек, икки мамлакат божхона кўмиталари ўртасида акциз солиғи солинган товарларнинг ҳаракати устидан божхона назорати ўрнатишни ташкил этиш борасида ҳамкорлик ҳамда ташқи савдо бўйича божхона статистикаси соҳасида тажриба ва ахборот алмашиш тўғрисидаги протоколлар, Ўзбекистон Миллий хавфсизлик хизмати билан Россиянинг ҳукумат алоқаси ва ахборот бўйича Федерал агентлиги ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома қабул қилинди.

Ҳужжатларни имзолаш маросимидан сўнг, матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда Ислам Каримов ва Владимир Путин Ўзбекистон-Россия муносабатлари, Чеченистондаги воқеалар, бугунги музокаралар бўйича журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди. Россия ҳукумати раҳбари В.Путин Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов ҳамкорчилигида В.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариши бирлашмасига келиб, ушбу қорхона фаолияти билан танишди. Шунингдек, Рус академик театри, Темирийлар тарихи давлат музейини зиёрат қилди. (Ў.А)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

А.О.Файзуллаевни Ўзбекистон Республикасининг Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигидаги Фавқултда ва Мухтор Элчиси этиб тайинлаш тўғрисида
Алишер Омонуллаевни Файзуллаевни Ўзбекистон Республикасининг Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигидаги Фавқултда ва Мухтор Элчиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

САРҲИСОБ

Тармоқ касаба уюшмаларининг навбатдаги курултойлари бўлиб ўтди. Ўзбекистон Кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик ҳодимлари ҳамда Ўзбекистон Авиаходимлари касаба уюшмалари ҳисобот даврида эришилган муваффақиятлар, ҳал этишга улгурилмаган муаммолар, йўл қўйилган камчиликлар ва истиқболдаги муҳим вазифалар юзасидан ошқорлаш фикрлашиб олдилар. Улар хурматли йўлбошчимиз бошчилигида изчил амалга оширилаётган одилонга сиёсатни яқдил қўллаб-қувватлаган ҳолда, бўлиб ўтган сайловлар натижаларининг мамлакат равнақиға қўшажақ улкан ҳиссаси, Ўзбекистон Конституцияси етти йиллиги шодиёналари мамлакатимизда фуқаролик жамятини қуриш сари яна бир одим ташланганидан далоят бергани хусусида ҳам тўхталдилар. Ҳар иккала курултой иштирокчилари кун тартибига қўйилган масалаларни ишчанлик руҳида муҳокама этиб, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилдилар.

Ғолиб «ВАЗ» машинаси билан қайтди

Бердах номидаги қоракалпоқ давлат университети тизимининг тарбия факультети талабаси Мурод Болтабиров Козоғистоннинг Оқтов шаҳридан «ВАЗ-2106» русумли автомашина билан қайтди. У бу ерда қозоқ халқи машҳур полковни Абил Кекилбоев таваллудининг 60 йиллиғига бағишлаб ўтказилган оғир атлетика бўйича халқаро мусобақада биринчи ўринни эгаллагани учун шу мукофотга сазовор бўлди. Мамлакатимиз вакили эллика яқин кучли спортчи орасида ғолибликни қўлга киритиб Ватанимиз спорт шуратини янада баланд кўтарди.

ЗИЁРАТГА ҲОЗИРЛИК

Мамлакатимиз фуқароларининг виждон эркинлиги борасидаги конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, хусусан, муборак ҳаж амалларини адо этишда қулайлик, имтиёз ва зарур шарт-шароит яратишга давлат томонидан доим амалий ёрдам кўрсатиб келинмоқда. Бу йил ҳам Вазирлар Маҳкамасининг шу мақсадга қаратилган «Муборак ҳаж зиёратига борувчиларга ёрдам кўрсатиш ҳақида» қарори эълон қилинди. Ушбу ҳужжат мамлакатимиздаги барча мўмин-мусулмонлар томонидан катта қувонч билан кутиб олинди.

Мажлиси Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини Р.Уринов ва Ш.Кароматов бошқарди. 2000 йилда ҳаж мавсумини ташкил этиш ва ўтказишга тайёргарлик ҳақида Дин ишлари бўйича кўмита раисининг биринчи ўринбосари Ш.Миноваров, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий А.Баҳромов, республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси Ш.Жалилов ва бошқаларнинг ахборотлари тингланди.

Ташкилланганидек, навбатдаги ҳаж мавсумига ҳужжатлар 1999 йил 15 декабрдан 2000 йилнинг 15 январигача қабул қилинади. Ҳаж зиёратига бориш учун ариза берган номзодларни адолатли равишда танлаб олиш фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органлари орқали кенг жамоатчилик фикрини эътиборга олган ҳолда амалга оширилади. Маҳлисада зиёратга борувчиларни тиббий кўриқдан ўтказиш, хавфсизлигини таъминлаш, ҳужжатларини расмийлаштириш, бўлажақ ҳожи-ларга транспорт хизмати кўрсатиш билан боғлиқ масалалар юзасидан мутасадди вазирилик ва идоралар раҳбарларига тегишли топшириқлар берилди.

ТАҲЛИЛ БИР ШАРОИТДА ИККИ ЖИЛ НАТИЖА

Ҳоким бува кўрсатган ваъдаларга эътироз билдириш қийин. Косонда бўлиб, туман миқёсидаги турли раҳбарлар, мутахассислар, оддий деҳқонлар, хўжалик раислари, деҳқон-фермер хўжаликлари бошлиқларининг фикрлари билан қизиқдик. Туман кишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғининг деҳқончилик бўйича ўринбосари Носир Ташметов «7 минг гектар майдонимиз шўрланиб кетган, устига устак айрим хўжалик раҳбарларимиз нав танлашда адашишди. Биринчи хўжалигимизнинг ҳисобиде эркин айланма маблағи йўқ» деса, «Кўнғиртоғ» жамоа-ширкат хўжалигининг раиси Холикул Йўлдошев «3,5 минг гектар еримизда коллектор йўқ. Иш ҳақидан 8 миллион сўм қарзимиз бор» дейди. Лекин шуниси қизиқки, оддий деҳқонларнинг фикри бўлакча.

«Кўнғиртоғ» хўжалиги пахта режасини бажармаган бўлса-да, Шариф Бадилов, Эгамназар Эргашев каби ижарачилари ҳар гектар ердан ўртача 32-33 центнердан ҳосил кўтаришибди. «Ер эгасига, қўлдан келадиган одамга берилиши керак. Астойдил ишланганга, мўлжалдаги ҳосилни олса бўлади» дейишди улар қатъий. Гапнинг дангаланини фермер Баҳром Примов айтди: «Одамлар ишлашни билмайди, хохламайди деган баҳоналар ишонарли рўқач эмас».

Ҳўш, бу мулоҳазалардан қандай улўса чиқариш мумкин? Раҳбарлар туманнинг пахта режасини бажармаганига об-ҳаво нуқуллай келганини сабаб қилиб кўрсатишяпти. Аммо гап-сўзлардан маълум бўлдики, асосий сабаб бу эмас. Тумандаги аксарият фермерлар шартномавий ре-

жаваларни муваффақиятли бажарганиликлар ҳам бунга дехқон-фермерлар уюшмаси давлатга 4 минг 406 тонна пахта сотиб шартномани қўйиллатиш удаллади. «Ширинтепа» жамоа ширкат хўжалиги бу йил фермер хўжаликлари уюшмасига айланганда, туманда биринчи бўлиб, маррага етиб келди. Тумандаги Баҳром Примов, Қосим Шоймардонов, Раҳматулла Шодмонов, Дилболат Эшматов каби ўнлаб фермер хўжаликлари мунтазам равишда оқори ҳосилдорлигини таъминлаб келаяптилар. Нима, уларнинг ерида шамол турмаганими ёки баҳор салқини келмаганими? Бизнингча, деҳқон-фермер хўжаликларида меҳнатга муносабат эъзага, ерга эгаллик туйғуси кучлироқ. Пировард натижадан манфаатдорлик бор, иш тўғри йўлга қўйилган. Жамоавий жиҳатдан ортга тортаётган. Ҳама нарса кадрларга боғлиқлиги, ишбилармон, яқин мутахассис ҳар қандай мураккаб вазиятларда ҳам ишни ўнлаб юбориши мумкинлиги, зеро бу гоёт муҳим омил эканлиги ёдга тушади, беихтиёр.

Кези келганда, ерни талон-тарож қилиш ҳолатлари мавжудлиги, раҳбарлар ўртасида тарафқашлик кўринишлари тўлиқ бартараф этилмаганлиги ҳам умумий ишга салбий таъсир қилаётганини айтиб ўтиш лозим. Косон - имкониятлари катта туман. Асл миришқор деҳқонлар юрти. 1993 йили туманда 70 минг тонна пахта тайёрланганини гурурланди айтишди. Ана шундай гурурли, ориятли одамлар ярайди бу ерда. Фақат гап ишни тўғри ташкил қилишда, ерни асл деҳқоннинг қўлига беришда ва энг муҳими, деҳқоннинг ўз меҳнатиға манфаатдорлигини оширишда!

Абдуҷалол ТАЙПАТОВ, журналист.

КАСАБА УЮШМАЛАРИ МЕХНАТКАШЛАР ҲАҚ-ҲУҚУҚИНИНГ УСТУВОР ҶИМОЯЧИСИ

Излаган имкон топади

Мамлакатимизда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида Агросоанат мажмуи ходимлари касабга уюшмаси Марказий кўмитаси ҳар йили 11 та вазирик, концерн, корпорация акционерлик жамиятлар билан битимлар тузиб келмоқда. Шу йилнинг ўзиде Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманларда касабга уюшма кўмиталари ва ҳўжалик бошқарув органлари билан 377та битимлар, корхона, ҳўжаликларда касабга уюшма кўмиталари маъмурият билан эса 6425та жамоа шартномалари тузилди.

Касаба уюшма ташкилотлари жамоа шартномалари ва битимларда кўзда тутилган долзарб масалалар асосида меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилиш борисида амалда кўп ишлар қилдилар. Масалан, Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё, Тошкент вилоятларининг барча ташкилотлари ва корхоналарида кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларга, ноғиронларга, уруш ва Чернобилда иштирок этганларга Наврўз байрами, Хотира ва қадрлаш кўни муносабати билан гўш, сўт, туҳма, сабзавот ва поллиз махсулотлари арзон нархларда ёки бепул берилди. Уларга моддий ёрдам кўрсатиш ишлари йўлга қўйилди. Шу мақсадга тармоқ бўйича жорий йил аримда 576 млн. сўмлик маблағ сарфланди. Болаларни ҳимоя қилиш кўни муносабати билан Қорақалпоғистон Республикаси ва ҳамма вилоятларда меҳрибонлик уйларидаги болаларга омонат дафтаралари очилиб, 500 дан 3000 сўмгача пул ўтказилди.

Меҳнат шариотларини яратиш учун керакли шарт-шариотлар ва моддий базани яратди. Кўпчилик корхона ва ҳўжаликнинг узок вақт давомида шикастланишсиз ва авариясиз ишламоқда. Ходимлар ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалардан сўгурта қилинган. Улим билан туаган бахтсиз ҳодисалар сони қарийб 2 бараварга камайган. Агарда илгари меҳнатни муҳофиза қилиш учун сарфланган маблағ камийиб борган бўлса, кейинги даврда у кўпайиб, 3 миллиард сўмга ақин бўлди. Барча вазирик, корпорация, ассоциациялар, касабга уюшмаси Марказий кўмитаси билан келишиб, «Меҳнатни муҳофиза қилиш ишларини ташкил қилиш тўғрисида»ги Низомни тасдиқлашган. Ишлаб чиқаришда профилактика ишини олиб боришда ва шикастланишни олдини олишда меҳнат техника нозирлари самарали иш олиб боришмоқда. Хисобот даврида улар томонидан 4385 та корхона, ҳўжаликлар текширилиб, 61 миңдан ортик хавфсизлик қондаларининг бузилишлари аниқланди. Хавфсизлик техникаси талабларига жавоб бермаганлиги учун 337 та ишлаб чиқариш участка ва цехларининг бошиқларидан 957 нафарига жарима солинган.

Ясининг ҳуқуқлари тўлиқ чегаралаб қўйилган. Низомда ҳаттоки тармоқ инспекциясининг текширув олиб боришда қатнашиши кўрсатилмаган. Оқибатда ҳўжалик органлари содир бўлган бахтсиз ҳодисалар тўғрисида тармоқ инспекциясига хабар бермай ва текшириш ҳужжатларини эса инспекцияга юбрмай қўйдилар. Натижда ишлаб чиқаришда содир бўлган бахтсиз ҳодисаларни яшириш ва ишдан ташқари пайтада бўлган, деб хисобдан чиқариш ҳолатлари тез-тез учрамоқда.

Касаба уюшма ташкилотлари меҳнаткашларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш юзасидан бир мунча ишларни амалга оширмоқдалар. Республика миқёсида ва жойларда фаолларнинг ўқув семинарлари, очик мулоқотлар кўнлари ўтказилмоқда. Марказий кўмита тавсияси билан

тилди. Болаларни соғломлаштириш иши айниқса, жамоа, ширкат ҳўжаликларида қаршли оромгоҳларда жуда ҳам оғир кечмоқда. Кўп ҳолларда ҳўжалик, корхона ва ташкилотлар ижтимоий сўгурта бадаллари тўлови бўйича қарзлари эвазига озиқ-овқат махсулотлари етказиб бермоқдалар. Оромгоҳларнинг моддий-техника таъминоти ҳам талаб даражасида эмас. Капитал таъмирлаш ишлари юзаки бажарилмоқда, жиҳозлар етишмайди.

Касаба уюшма кўмитаси, ҳўжалик органлари билан биргаликда ёз келишини кўтормасдан йил давомида оромгоҳлар фаолиятини яхшилаш борисида иш қўришлари, яъни уларни яхшилаб таъмирлаш, жиҳозлаш, тегишли анжомлар билан таъминлаш чора-тадбирларини кўрмоқдари лозим.

95 миң 396 тани ташкил этди. Бироқ ушбу маданият ўчоқларининг кўпчилигида, маблаг танқислиги туфайли, ходимларни ишга жалб қилиш қийин бўлмоқда.

Бюджет танқислигига қарамай ҳисобот даврида касабга уюшмаси Марказий кўмитаси соғломлаштириш маблаг ҳисобидан 7 та болалар ва ўсмирлар кишлоқ спорт мактабларини очилга муваффақ бўлди. Хозир уларнинг сони 46 тага етди. Спорт мактабларининг ўқувчилари вилоят, республика, ҳамдўстлик мамлакатларининг ва ҳатто халқаро турнир, мусобақаларда қатнашиб, фахрлий ўринларни эгалладилар.

Бироқ жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш ишлари ҳам камчиликлардан холи эмас. Ҳўжалик ва ташкилотларга қаршли спорт секциялари ва соғломлаштириш гуруҳларида шўгулланувчилар камайиб кетган. Спорт иншоотлари қаровсиз. Моддий-техника базаларининг бугунги аҳоли замон талабига жавоб бермайди. Турмуш ночор касабга уюшма аъзоларига табақалаштирилган ёрдам кўрсатиш борисида вилотлар касабга уюшма кўмитаси, давлат ва бошқарув, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, ёшлар, хотин-қизлар ташкилотлари билан ҳамкорликда иш олиб борилди. Фақатгина жорий йилнинг биринчи ярмида «Аёллар йили» муносабати билан тармоқдаги 2795 нафар уруч оилаларга, 790 нафар уруч ва меҳнат фахрийларига, 228 нафар арбон уруши ва Чернобил халокати иштирокчиларига 5 млн. 692 миң 800 сўмлик ёрдам кўрсатилди.

Болалар ва ўсмирлар мактаблари фаолиятида жиҳдий камчиликлар кўп. Ҳўжаликлар томонидан ушбу мактабларни керакли жиҳоз ва анжомлар билан таъминлаш оғир аҳволда. Ҳўжумчи-тренерларни ойллик маошлари билан таъминлаш қийин кечмоқда. Натижда спорт тадбирлари мунтазам ўтказилмапти. Боевўт туманидаги Т.Толипов номи ва Сирдарё туманидаги «Шолик» жамоа ҳўжаликлари қошидаги спорт мактабларида анжомларнинг етишмаслиги, машғулот ўтказиш учун шарт-шариотлар яратилмаганлиги сарбабли уларнинг фаолияти тўхтаб қолган.



ЭНГ КАТТА САВОБ

Хозирги бозор иқтисодиёти даврида меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялашдан ҳам муҳимроқ масала йўқ. Шу боис имкониятдан келиб чиқиб, озгина бўлса ҳам моддий ёрдам берган раҳбарларни кишилар ёдидан чиқармас керак. Шу маънода, туманимиз аҳолисининг эҳтиёжаманд қисмини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида ёрдамга муҳтож оилаларни ўрганиб чиқдик. Хозирги кунда шундай оилалардан 672 таси аниқланиб, ёрдам ташкил қилинган. Шундай ҳўжалик ташкилот ва корхоналар борки, иш халқидан ташқари алоҳида ёрдамга муҳтож оилаларни аниқлаб, уларнинг муурожаат қилишларини кўтмасдан моддий ёрдам бериб келмоқдалар. «Бўзсув», «Ўзбекистон», «Зангиота» жамоа ҳўжаликлари, «Корасув» дехқон фермер ҳўжалиги уюшмаси, «Нур» паррандачилик фабрикаси, «Кўйлик» агросоанат фирмаларининг олиб бораётган ишлари фикримизнинг яққол исботидир.

Ж.САИДОВ, Агросоанат мажмуи ходимлари Зангиота тумани касабга уюшма кўмитаси раиси.

Меҳнат ва рағбат

Ўзбекистон агросоанат мажмуи ходимлари касабга уюшма Марказий кўмитаси ҳамда Республика кишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирилиги билан галличилик бўйича меҳнат мусобақаси ўтказилди. Унда Марҳамат туманидаги М.Қорабобоев номи жамоа ҳўжалиги биринчи, Хонка туманидаги «Хоразм» жамоа ҳўжалиги иккинчи, Шаҳрисабз туманидаги Б.Фозилов номи жамоа ҳўжалиги учинчи ўринга муносиб деб топилиб, уларга пул ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Бундан ташқари, Марказий кўмита, Республика кишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирилиги, «Ўздонмахсулот» давлат хиссадорлик корпорацияси, «Ўзвезасабзавотузоумасаноат-Холдинг» компанияси, Ўзбекистон республикаси деҳқон ва фермер ҳўжаликлари уюшмаси, «Ўзқишлоқўқўзтаъминоттаъмирлаш» давлат кооператив кўмиталари ҳамкорлигида «Галла-98» меҳнат мусобақаси ўтказилди. Натижатга кўра, Избоскан тумани А.Тиллабобоев номи жамоа ҳўжалиги ижарачиси Ниёзов Тилабоди, Поляркў тумани «Ўзбекистон» жамоа ҳўжалиги оилавий гўдратиши Саидқул Нурқулов, Хонка тумани «Галла» очик турдаги хиссадорлик жамиятидан Баҳодир фермер ҳўжалиги, Ромитон тумани комбайнчиси Нурсат Бозоровлар голиб деб топилиб, уларнинг ҳар бири қимматбаҳо рангли телевизор ва Фахрий ёрлик билан тақдирландилар.

Ўзбекистон Республикаси «Етмоғтамаксаноат» уюшмаси корхоналари ўртасида истиқолнинг 8 йиллигига бағишлаб «Мустақиллик, экология ва халқ саломатлиги» курик танлови ўтказилди. Голиб корхоналар уюшманиннг 400 миң сўм пул муқофоти ҳамда касабга уюшмасининг бепул йўлланмалари билан сийландилар.

СИХАТГОҲЛАРГА ЙўЛАНМА

Қашқадарё вилоятида «1997 йил бошқоқли дон экинлари ҳосилини йиғиштириб олишни рағбатлантириш ва уни ушқоқлик билан ўтказиш» бўйича мусобақа ўтказилди. Натижатга кўра биринчи бўлиб режани бажарган ҳўжаликка «Нексия», иккинчи ўринга «Дамас», учинчи ўринга «Тико» энгил автомашиналари берилди. Энг юқори ҳосил олган ижарачиларга биринчи ўринга видеокилик, иккинчи ўринга рангли телевизор, учинчи ўринга музлатчик совга қилинди. Комбайнчилар ўртасида биринчи, иккинчи, учинчи ўринга сазовор бўлганлар видеокилик билан тақдирландилар.

Андижон вилояти Асака ва Булоқбоши туманлари пахта режасини 120 фоизга бажарганликлари учун биттадан энгил автомашина билан муқофотландилар. Ҳўжабод тумани «Иттифок», Марҳамат тумани Т.Миргазоев номи, Асака тумани «Навбахор», Булоқбоши тумани «Ойбек» жамоа ҳўжаликлари ҳамда Жалолқўдқ тумани «Ерқишлоқ» корпорациясига ҳар бирининг қиймати 100 миң сўмлик бўлган йўлланмалар берилди.

Жорий йилда Касби тумани Ш.Рашидов номи ширкат ҳўжалиги ижарачиси Файзулло Раҳмонов, Пахтачи тумани Рўзиқул Маҳмонов номи ширкатлар уюшмаси бригадир Дўстмурод Абдуллаев, Марҳамат тумани У.Қорабобоев номи жамоа ҳўжалиги бригадир Отахон Алламатовлар маллакатда галла мустақиллигига қўшган ҳиссалари ҳамда кейинги йилларда энг юқори натижаларга эришганликлари учун «Ўзбекистон Каҳрамони» унвонига сазовор бўлдилар. Бешарик тумани комбайнчиси Абдушўкур Усмонов «Шўҳрат» медали билан ва «Тико» автомашинаси, Фарғона тумани комбайнчиси Ашурвали Ҳолбеков «Шўҳрат» медали билан тақдирландилар.

Уйчи тумани МТП комбайнчиси Комиссой Абдураззоқов вилоятда биринчи ўринга сазовор бўлганлиги учун видеокилик, Зокир Иброҳимов рангли телевизор, ота-бона Абдутолиб, Абдулборий Қурбонлар видеокилик ва рангли телевизор билан муқофотландилар.

Пиллачилик бўйича Кува тумани Шерўтаев номи жамоа ҳўжалиги пиллакор Инобатхон Рустамова, Тошлоқ тумани «Фарғона» жамоа ҳўжалиги пиллакори Ширинхон Ашуровлар гилам ҳамда сиҳатгоҳларга йўлланмалар билан сийландилар.

С.ТОЖИЕВ, АСМ ходимлари касабга уюшма Марказий кўмитаси ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш бўлими бошлиги.

ҲИССАДОРЛАР МАНФААТИНИ КўЗЛАБ

Жаҳон бозориде ўзбек пахтасининг рақобатбардош бўлиши биздан технологик ускуналарни такомиллаштиришни талаб этмоқда. Бу йўналишда бир қатор ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, жорий йил давомида 14 та пахта тозалаш корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнлари мувофиқлаштирилган технологияларга ўтказилди. 9 та корхонада эса ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш мақсадида реконструкция ишлари амалга оширилди. Бунинг натижасида корхоналарда ўрна-тилан электр энергиясини 2200 КВТдан 760 КВТгача қисқартиришга эришилди. Бу эса ҳар бир корхонада йилга 4,5 млн. сўмдан 11,2 млн. сўмгача электр энергиясидан иқтисод қилиш имконини беради.

Шу давр мобайнида уюшма тизимидаги корхоналарнинг 50 фоизидан кўпроғида янги ўрта толали пахта учун унумли тозалагичлар ўрнатилиб, ишга туширилди. Соҳанинг бенуқсон ривожланиб боришини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистонда 1998-2000 ва 2005 йиллар мобайнида пахта саноати экспортини оширишга қаратилган қўллана ишлаб чиқилди. Унда бор имкониятлардан тўла фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш натижасида махсулотларни экспорт қилишнинг кўпайтириш режалаштирилган. Маълумки, ишлаб чиқариш дастгоҳлари қанчалик мураккаб, технология жараёнлари такомиллашган бўлмасин корхонанинг бенуқсон ва унумдор ишлаши, ишчиларнинг меҳнатга бўлган муносабати билан аниқланади. Корхоналарда меҳнат унумдорлигини ошириш, технология қоңдаларига амал қилиш масалаларида раҳбариятга касабга уюшмалари кўмиталарининг аъзолари яқиндан ёрдам кўрсатиб келмоқда. Уюшма тасарруфида бўлган барча пахта тозалаш корхоналарида касабга уюшма кўмитасининг раиси лавозимидаги ходимлар амалдаги жамоа шартномаларига, акциядорларнинг меҳнатини муҳофиза қилиш, шариотлар, тегишли ҳимояловчи вოსиталар ва бошқа имтиёзлар яратишга ҳаракат қилишмоқда. Хав-

фсизлик техникаси талабларини бузиш оқибатида содир бўлаётган бахтсиз ҳодисалар пайи қирқилмоқда. Шу йил пахта ҳосилини узлуқсиз қабул қилиш, бенуқсон саклаш ва сифатли қайта ишлаш учун, капитал таъмирлаш жараёнида уюшманиннг 127 та пахта тозалаш корхоналари ва уларнинг 504 та пахта қабул қилиш масканларида ёнгин ва техника хавфсизлигини таъминлаш, ишлаб-чиқаришда тан жараҳотларини олдини олиш, санитария ва гигиена талаблари бўйича маълум ишлар бажарилди. Ушбу тадбирларни амалга ошириш учун 336,9 млн. сўм, атроф муҳитни муҳофиза қилишга эса 76,7 млн. сўм микдорда маблағ сарфланди.

Жорий йил уюшма Кенгашининг қарори билан акциядорлар манфаатларини ҳимоя қилиш борисида катта дастур тузилди. Бунда янги иш жойларини очиб, соғломлаштириш объектларини қуриш, болаларни ёзги дам олишини ташкил этиш, ёлғиз ва кекса ишчиларга моддий ёрдам кўрсатиш кўзда тутилган. Белгиланган тадбирларни амалга оширишда тармоқ корхоналари ўз маблағларидан 50 млн. сўмдан зиёдроқ пул сарфлашди. Ушбу хайрли ишларни ташкил этишга ўз касбларининг моҳир усталари Камол Раҳимов, Жамол Камолов, Зокирхон Мўминов, Иброҳим Аҳмедов, Шоҳмад Ашуров ва Баҳодир Сатторов қабилар сезиларли ҳисса қўшдилар.

Билимдон ва ишчан кадрлар ўсиши учун ўзларининг меҳр муҳаббатлари ва бую таърибларини сингдираётган, минглаб ишчиларнинг ҳурматига сазовор бўлган Хайрулла Давутбоев, Анатолий Сапон, Абдимўмин Омонов, Абдулла Ризаев, Шавкат Қодиров, Раҳимжон Эргашев, Мадаминжон Раҳимов ва шуларга ўхшаган озлаб мурабийларимиз билан фахрланамиз ва уларнинг қимматли маслаҳатларини амалда қўлашга, ишончларини доимо самарали меҳнат билан оқлашга интиламиз.

К. ЕРҚУЛОВ, «Ўзпахтасаноатсотиш» акциядорлик уюшмасининг меҳнатни муҳофиза қилиш ва ёнгиндан саклаш бўлимининг бошлиги.



Муаммо кўндаланг қўйилади

ҚОНУНБУЗАРЛИКЛАР НЕГА СОДИР БўЛМОҚДА?

Бугунги кунга келиб, агросоанат тизимидаги мавжуд 509 та бошланғич ташкилотларнинг 94 тасига хотин-қизлар, 38 тасига 30 ёшгача бўлган, 298 тасига олий маълумотли кишлоқ ҳўжалик ходимлари раҳбарлик қилиб келмоқдалар.

Вилоят касабга уюшма кўмитаси тармоқ органлари тузилмасини такомиллаштириш борисида анча тадбирларни амалга оширди. Шу йилнинг 1 сентябридан тизимдаги мавжуд 10 та бирлашган касабга уюшма ташкилотлари фаолияти тугатилди. Бундан мақсад нафақат маъмурий ҳўжалик ишлари учун сарфланган маблағни тежаш, балки бошланғич ташкилотларга кўпроқ мустақиллик беришдир.

Шу йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб касабга уюшма аъзолик бадалларининг 50 фоизи бошланғич ташкилотларда, 25 фоизини оқори ташкилотларга қўйириш масаласига ижобий қарамоқда-ми. Чунки барча бугун касабга уюшмалари фаолларини ўқитиш, қайта тайёрлаш учун республикада ўқув Марказининг ташкил этилиши мақсада мувофиқдир.

Бозор иқтисоди шароитида касабга уюшмалари меҳнаткашларни ижтимоий муҳофиза қилиш мақсадида жамоа шартномалари катта эътибор бермоқда. Айни пайтада вилот агросоанат тизимидаги 183 та давлат ва 320 та нодавлат корхона ва ташкилотлар фаолият қўрсатиб, уларнинг барчасида жамоат шартномалари ва битимлар тузилди. Унга кўра ўнлаб ташкилотларда ишчи-хизматчиларга 20 дан ортиқ имтиёзлар берилмоқда: Масалан, «Бухороё» хиссадорлик жамиятида никоҳ тўйи бўладиган ёшларга 20 миң сўм пул, 20 кг ёғ, ноғирон ва кам таъминланган оилаларга байрамларда 4 миң сўмдан пул, совуқ бериб келинмоқда. Дафн маросимларида эса 20 миң сўмдан пул ва 20 кг ёғ берилмоқда. Шуниси қизиқки, инсон соғлигини саклаш, атроф муҳит тозалигини таъминлаш, ёнгиннинг олдини олиш мақсадида маъмурият сикрет чекишни ташлаган ишчи-ҳодимларга 4 минимал иш ҳақи микдориде моддий ёрдам беришни жамоа шартномасига қиритган.

Кишлоқда ҳўжалик юритиш шаклининг, мулкка муносабатининг ўзгарганлиги деҳқончилик ва чорвачиликда ижобий силжешларга олиб келмоқда. Касаба кўмиталари бу тадбирлар самарадорлигига ҳисса қўшаптир. Масалан, ҳўжаликлар даромади бу йил фақат пахтадан 6 млрд. сўмга ошди ва 16 млрд. сўмни ташкил қилди. Бу дала меҳнатчиларининг ўртача ойлиги 35-40 фоизга кўпаяди, дегани.

Тармоқ касабга кўмитаси меҳнаткашларнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя этишга ҳам алоҳида аҳамият берди. Мисол учун, М.Тошева Бухоро туманидаги «Чорбақр» жамоа ҳўжалигида ҳисобчи бўлиб ишларди. Кўнлардан бир кун у ҳеч бир сабабсиз ҳўжалик бошқаруви раиси томонидан ишдан олинди. Вилоят касабга уюшма кўмитаси эса унинг ўз вазифасига тикланишига ёрдам берди. Бундай ҳол Қорақўл пахта тозалаш заводи хиссадорлик жамияти ишчиси М.Сувонова билан ҳам содир бўлди. Лекин у касабга уюшма кўмитаси кўмагида илгари эгаллаб келган вазифасида ишени давом эттирмоқда.

Шуниси ачинарлики, айрим раҳбарларнинг қонунни билмасликлари оқибатида, корхона ҳуқуқшуносларининг маслаҳатсиз, касабга кўмиталарининг розилигисиз айрим ишларни амалга оширадилар ва охирида пушаймон бўлиб қоладилар. Масалан, Бухоро туманидаги «20-трест» хиссадорлик жамиятига қаршли 2-КМК бошлиги М. Маҳмудов трест раҳбари томонидан асоссиз эгаллаб турган лавозимидан бўшатилади. Аммо касабга уюшмалари Бухоро вилот кўмитасининг аралашуви билан корхона раҳбари ўз лавозимига тикланди.

Шуни айтиш жоизки, бугун жамиятда ҳар бир киши ўз ҳуқуқларини аниқ ва равшан билиши, керак бўлганда, уни ҳимоя қила олишининг улдасидан қийиши лозим. Шунда у ёки бу тарзда юз бериши мумкин бўлган қонунбузарликларнинг олди олинди.

Бозор шариоти барчамиздан ташаббусни, масъулиятни дадил зиммамизга олиб фаолият юритишни тақозо этади. Биз касабга уюшма фаоллари меҳнаткашларга ақин бўлиш, уларнинг оруз интилишлари, дарди билан яшашини фаолиятимизнинг бош йўналиши, деб билмоғимиз лозим.

Ю.ҚУРБОНОВ, Агросоанат мажмуи ходимлари Бухоро вилот кўмитаси раиси.

Маънавият

Бугунги ислохотлар даври нафақат иқтисодий масалаларни ҳал этиш, балки халқимиз онгида миллий мафқурани шакллантириш, миллий қадриятлар, анъаналарни ривожлантириш билан боғлиқ маънавий-маърифий ишларни кенг қўламада амалга оширишни талаб этади. Бу борада изчил фаолият кўрсатиш маданият ходимлари зиммасига улкан масъулият юклайди. Ана шу долзарб вазифаларни амалга ошириш борасида Фарғона вилоятида ҳам ўзига хос сазй-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Шу ва шунга ўхшаш тадбирлар ва бу йўлда дуч келинаётган муаммолар хусусида маданият ходимлари касабга уюшмаси вилоят кўмитаси раиси Дилбар Хонкелдиева ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Бувайда, Фурқат, Дангара, Фарғона туманлари, Қувасой шаҳар МКТларига кейинги вақтларда мутлақо янги адабиётлар этиб бормаган. Шунингдек, вақтли матбуот нашрларига обуна бўлиш ҳам ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Қишлоқ кутубхоналари фақат туман газетасини оладилар, холос. Бундан кўринадики, яқка тартибда

КўНГИЛ ЧИРОҒИ


— Дарҳақиқат, маданият ходимлари маънавий-маърифий ишларнинг ташкилотчиси, тарғиботчиси ҳисобланади. Сўнгги йилларда бу йўналишда Фарғона, Марғилон, Қўқон шаҳарлари, шунингдек, Олтиариқ, Тошлоқ, Бувайда, Учқўприк туманларида кўплаб қизиқарли учрашув, суҳбат ва тадбирлар ўтказилди. Айниқса, Езёнов тумани маданият ходимлари ташкил этган «Муқаддасан, аёл» беллашуви, Қувасой шаҳар босмахонаси тажрибасида касабга уюшмалари тармоқ вилоят кўмитаси ташаббуси билан уюштирилган «Маънавият-тараққиёт мезони» анжумани, хунарманд аёллар ўртасида «Гўзаллик яратувчи аёл» шиори остида ўтказилган тадбирлар яхши таассурот қолдирди.

рифий муассасаларида «Бу йўлда хато қилма», «Қонун ҳимоясида», «Инсон ва қонун», «Оила ва қонун» мавзуларида суҳбат ва учрашувлар уюштирилди. Афсуски, ечилиши лозим бўлган муаммолар ҳам талайгина. Аввало шунга айтиш лозимки, жойлардаги маданият бўлимларига қарашли кўплаб бинолар мутлақо талабга жавоб бермайди. Мавжуд 709 та кутубхона биносидан 40 таси, 243 та клуб муассасасидан 62 таси жорий ёки мукаммал таъмирга муҳтож. Кутубхона, клуб ҳамда болалар мусика мактабларининг аксарии қисми мослаштирилган биноларда жойлашган. Қатор маданият масканларида хоналар, жиҳозлар, мусика асбоблари, хизмат транспортлари етишмайди.

обуна бўлишга имкон бўлмаган қишлоқ аҳли марказий, ҳатто вилоят матбуот нашрларидан ҳам бебахра қолмоқдалар. Айниқса, болалар ва ўсмирларга мўлжалланган нашрларнинг қишлоқ жойларига этиб бормаганини ҳеч оқлаб бўлмайди. Республика миқдобида бюджет ташкилоти ходимлари ҳисобланган маданият ходимларининг, хусусан кутубхоначиларнинг ойлик маошлари энг паст кўрсаткичда эканлиги ҳам ачинарлидир. У бугунги кунда ўртача 3500 сўмини ташкил этади. Бу ҳол уларнинг кундалик ҳаёти, саломатликларини тиклаш, ўқувчи фарзандларини ёзги дам олиш оромгоҳларига юбориш каби зарурий юмуш имкониятларини чеклаб қўймоқда. Кутубхоналар асосан аёллар фаолият кўрсатадилар. Улар она, уй бекаси. Маънавий-маърифат тарқатувчи ва опа-сингиллари мизинг меҳнатлари ни муҳофаза қилиш, уларга гамхўрлик кўрсатиш давр талабидир.

Халқимизга зиё таърифатчи кутубхоналар жағмараларини бойитиб бориш, китобхоналарга янги адабиётларни етказиш ачинарли аҳволда. Масалан, Сўх,

ёнбошдаги торгина уринга жойлашган бўлса, уларга ўртадаги энг яхши жой инъом этилди. Сал фурсат ўтиб, каминга жиққа хўл, энсиз, устига-устак, бир-икки жойи йиртилган, йигитларга эса оппоқкина, қурук чойшаблар теги. Бироз ўтиб кузатувчидан чой сўраб эдим, терс жавоб олдим. Йигитлар эса жойидан жилмасдан ётишар, кузатувчи эса қўлини қўсига қўйганича, қайта-қайта мулозамат



Китоб — ҳазина бекам, Нур таратиб порлайди. Сўзлар сеҳри бир олам, Мени тинмай чорлайди.

Ўқиб, ўқиб барини Мен зиёга тўламан. Териб сўзлар зарини Сўз зарғари бўламан.

Шерали МУХАММАДОВ

Ажинийёз таваллудининг 175 йиллиги олдидан ШИОР ИЖОДИГА БАҒИШЛАНДИ

Қорақалпоқ мумтоз адабиётининг асосчиларидан бири Ажинийёз Қусибой ўғлининг таваллуд тўйига санокли кунлар қолди. Шoirнинг ватани - Оролбўйида бу кутубхона бағишланган турли анжуман ва учрашувлар бўлиб ўтмоқда. Жумладан, Чимбой туманидаги 15-умумтаълим мактабида «Ажинийёз қорақалпоқ ада-

биётининг булбули» деб номланган илмий-амалий анжуман ўтказилди. Унда ажинийёзшуннос олимларнинг шоирнинг озошлик, миллатлараро тотувлик, аёл ва табиат гўзаллигини тараннум этувчи асарлари ҳақидаги маърузалари тингланди. Бадийй ҳаваскорлар ижросида унинг асарларига бас-таланган кўшиқлар янгради.

Халқ амалий санъати ХИЛЛАРИ ХОНИМИНИ МАФТУН ЭТГАН СОВГА

Варшавада «Утиш давридаги ҳамкорлик: келгуси ўн йилликда бирга ишлашув дастури» мавзуида анжуман бўлиб, унда жаҳондаги 27 мамлакатдан, жумладан Ўзбекистондан ҳам вакиллар қатнашди. Улардан бири — Қорақалпоғистон Жўрғи Кенгеси кўмита раиси Жанабой Содиков эди. Анжуманда АҚШ Президенти Билл Клинтоннинг рафиқаси Хиллари хоним ҳам фахрий меҳмон сифатида иштирок этди. Сермазун нутқ сўзлаб, минбардан тушайтганида Ж.Содиков унга яқинлашиб, Қорақалпоғистондан келганлиги, агар руҳсат берилса унга ва қизи Челсига Нукусдаги «Халқ хазинаси» марказини чевар қизларнинг турфа безаклар билан нақшланган миллий совғасини топшириш нияти борлигини билдирди. Хиллари хоним гоят нафис ишланган ҳамёнларни завқ билан томоша қилиб, совға учун чин дилдан миннатдорчилик изҳор қилди. Бу совғалар Клинтонлар хонадонидан ноб эсдалик сифатида сақланишини билдирди.

Мазкур совғанинг Хиллари хонимга тақдим қилинишига нима туртки бўлди? Бу ҳақда Ж.Содиков шундай дейди: «Шу йил июлда Америка халқро ривожланиш агентлиги (ЮСЭЙД)дан Варшавадаги анжуманда қатнашишга таклифнома олдим. Шундан кўп вақт ўтмасдан АҚШнинг мамлакатимиздаги факултода ва мухтор элчиси Жозеф Прессел Нукусга ташриф буюрди. У киши «Халқ хазинаси» марказига ҳам бориб, Дина Мойлибоева раҳбарлик қилаётган марказ билан танишди. Нафис буюмлардан Варшавага ҳам намуналар олиб боришни маслаҳат берди. Варшавада расмий хизмат вакиллари фикримизни билдириб, Хиллари хоним ва қизига қорақалпоқ қизлари номидан эсдалик совға топширишга руҳсат олди. Бор гап шу...»

Хозирги кунда марказда Ҳалима Нуржонова, Дилфуза ва Дилноза Оллаберганова, Зайнаб Ҳўжабердиева, Ойимгул Турумбетова, Света Дўстжонова сингари кўлигул қизларнинг тикан либослари кўзни қувонтиради. Энг муҳими, марказнинг аҳил жамоаси меҳнатларининг меваси бўлиш миллий кийим-кечаклар нафақат қорақалпоғистонликларга, балки хориздан келган меҳмонларга ҳам манзур бўлмоқда.

Абду РАҲМОН, «Ишонч» муҳбири.

Луқма

ЧИПТАСИ БОР ХОР...МИ?

Шоҳбекат чиптахонаси томон энди юз бурган эдим ҳамки, ҳамқишлоқларимни учратиб қолдим. Беш-олти чоғли талаба йигитлар бараварига салом беришди. Меҳр-оқибатни унутмаган бу ўспиринлар учун ўз-ўзимдан қувондим. Лекин уларнинг саволи мени беихтиёр ажаблантирди: «Нима, ростдан ҳам чипта олмақчимисиз? Чипта баҳосининг ярмини йўл кузатувчисига берсангиз, энг «класс» жой сизники. Бунинг устига ҳурмату иззат ҳам шунга яраша бўлади.»

Йигитлар наздида ношуд кўришни истамай, уларнинг кўзини шамғалат қилиб чипта олдим. Бир неча дақиқадан сўнг «Бухоро-Тошкент» поездининг келиши эълон қилинди. Лип-лип ўтиб бораётган вагонлардан ўзимга тегишлигини топиб, чиқиб олдим. Не кўз билан кўрайки, талаба ҳамқишлоқларим ҳам шу вагонда экан. Ўз жойимга жойлашиб оларканман, кўнгилда «куён» йигитлар билан кузатувчи

ёнбошдаги торгина уринга жойлашган бўлса, уларга ўртадаги энг яхши жой инъом этилди. Сал фурсат ўтиб, каминга жиққа хўл, энсиз, устига-устак, бир-икки жойи йиртилган, йигитларга эса оппоқкина, қурук чойшаблар теги. Бироз ўтиб кузатувчидан чой сўраб эдим, терс жавоб олдим. Йигитлар эса жойидан жилмасдан ётишар, кузатувчи эса қўлини қўсига қўйганича, қайта-қайта мулозамат

қиларди: «Йигитлар, «Импра» чойларидан бор, истасангиз, лимон ҳам солиб бераман.»

Эртасига кўрганларимни тўкиб солган эдим, ўртоқларим устимдан кулишди. Маълум бўлишича, бундай ҳол нафақат «Бухоро-Тошкент», балки «Нукус-Тошкент», «Тошкент-Кўнгирот» йўналишларидаги поездларда ҳам одат тусига кирган экан. Бу ҳам майли-я, чипта олган хору, чиптасизга эътибор борлиги ҳатто шаҳар ичидаги йўналишларда ҳам «урчиб» кетганига нима дейсиз? Чиптаси бор одам худди бирор айб иш қилиб қўйгандек, нуқул ё шофёр, ё назоратчининг даққисини эшитида. Ишдан кенроқ чиққан одам чипта кўрсатиб қолса, ё ақсинча, эрталабги биринчи рейсга тўғри келиб қолса, бундай даққи янада «ёғирок» бўлади.

Қизиги, чиптаси йўқ одам аниқ йўналиш бўйлаб ҳаракат қилаётган автобусни хоҳлаган жойида тўхта-тиб, тушиб қолиши ёки йўлга чиққан чиптасиз одам автобусни худди тақсиддай қўл кўтариб тўхташи мумкин. Ойлик йўл чиптаси бор одам бу ишни қилиб кўрсин-чи?

Кўрпачисми, азиз ўқувчи, чиндан ҳам қизик. Нега унда ойлик чипта олишни тавсия қилишди? Ё ойлик чипта олган одамга шофёру назоратчиларнинг ёвқараш қилишини, уни сотиб олишни тинимсиз реклама қилаётганлар билишмасмикан? Яна ким билади, дейсиз?

Теймур ҚУРБОН, «Ишонч» муҳбири.

Ғаройиб олам

УСТАРА ТАРИХИДАН

Эрамыздан аввалги икки мингинчи йилларда мисриқлар, кейинроқ юнонлик ва римликлар соқол-мўйловини қиртишлаб юришни одат қилишган. Бинобарин, эркакларнинг зарур қуроли бўлиши устараининг ўзига яраша тарихи бор. Энг дастлабки устара чақмоқтошдан ясалган Қашлагач бўлган экан. Археологик экспедиция Шимолий Кавказдаги мис қазиб чиқарадиган қадимий кон яқинидан бронза дастали ёқсимон устара топилди. Олимларнинг ҳисобига қараганда, бу устара эрамыздан аввалги IX-VIII асрда ясалган экан. Бир неча асрлар давомида бронза ва чақмоқтошдан ясалган устара ишлатилиб келинди. Ниҳоят эрамыздан олдинги минг йилликка келиб одамлар маъданлар темир ажрати олишни ўрганиб олганларидан кейин барча меҳнат қуроллари сингари устара ҳам тақомиллашди. Ҳозир сартарошлар ишлатиладиган устаралар ана шу даврда пайдо бўлди. XX асрнинг бошларида хавфсиз устара (лезвия), 60-йилларда эса электр устаралар чиқарила бошланди.

ГАПИРАДИГАН

МУШУК

Туркиянинг Конья шаҳрида истиқомат қилувчи бир савдогарнинг мушуги «ада», «она», «опа» ҳамда ҳўжайиннинг исмини айта олган. Гапирадиган мушукни қўришга, овозини магнетифон лентасига ёзиб олишга ҳатто чет эллик сёҳнатчилар ҳам тез-тез келиб туришган.

САЁХАТЧИ

ТОШБАҚА

АҚШлик Херлок исмли фермер бир тошбақа топиб олган эди. Фермер бир парча қозога ўз номи ҳамда ўй манзилни ёзиб, тошбақа қосасига ёпиштириб феврал ойида жониворни қўйиб юборган.

Сентябр ойининг бошларида фермер Огайо штатидан мактуб олади. Мактубда «Сизнинг тошбақанингни орқасига қайта-

риб юбордим. Кутинг!» деб ёзилган эди. Қарангки, саёхатчи тошбақа ярим йилда 600 километр йўлни босиб ўтибди.

ШАМБАЛИК

Эвлахон деб аталган балиқнинг турган-битгани ёғ. Америка хиндлари ундан ҳатто чироқ ўрнида фойдаланишади. Бунинг учун балиқ офтобда қуритилади, кейин игга осиб ёқилса, шамдан қолишмайди даражада ёруғлик беради.

ГўЗАЛЛИК

СОЛИҒИ

Цейлон Молия вазири В.Даханаяке хазинани бойитишнинг кўз қўриб, қулоқ эшитмаган усулини қўллаган. У аёлларнинг ҳуснига солиқ солишни таклиф қилган. Вазири ишлаб чиққан қонун лойиҳасига қўра, мамлакатнинг ҳамма аёллари солиқ тўлаши керак, лекин барча баробар миқдорда эмас, балки «гўзаллик даражаси»га қараб. Аёл қанчалик кўхлик бўлса, ундан шунчалик кўп солиқ олинадди. Ҳамма «бало» шундаки, гўзаллик даражасини белгилаш ҳукумат одамларига эмас, балки ҳар бир аёлнинг ўзига ҳавола қилинган.

ШЎРСУВ

ИЧИЛГАНДА

Тимсоҳ ўзи ютган ўлжасига раҳми келиб кўз ёши тўқади, деган афсона бор. Тимсоҳлар чиндан ҳам юм-юм ёш тўқаркан, лекин бу ёшлар ақинишдан эмас, балки шўр сув туйғайи экан. Шўр денгиз сувини балиқчи қуш, бўрон қуши ҳам ичади. Денгиз қушлари шўр сувни ютмайди, фақат тумшугига олиб, оғиз чайиб ташлайди, деган фикр ҳақида олимлар орасида анча мунозара бўлган эди. Бу амалда текшириб қўрилганда, қушлар денгиз сувини ичишлари аниқланган. Мутахассислар мазкур қушлар кўзи ёнида туз ажратувчи безлар борлигини аниқлашган. Бу ўзига хос «буйрак» танадаги ортқиқча тузин, чинакам буйракдан ҳам тезроқ чиқараркан.

Ақбар АЛИЕВ тайёрлади.

Гросмейстеримизнинг партиясиде ҳеч қайси бири устунликка эга бўлмай, мастер сал бурунроқ дуранг таклиф қилган эди. Лекин таклиф рад этилгандиНега шундай қилингани кейинчалик маълум бўлди: қораларнинг позицияси хунуқлашиб қолди. Энди гросмейстер дурангга жон дейди-ю, аммо мастерга таклиф билан мурожаат қилишдан қўрққан, у бир вақтлар Миллан Видмарга ўхшаш жавоб бериб қолса-я, деб чўчирди. Ҳозир тасвир этилган ҳодисага ўхшаш бир вазиятда Видмар дуранг таклиф қилган рақибига қараб: «Йўқ, ҳозир рози эмасман. Мен сизга дуранг таклиф этганимда рози бўлганингизда эди, ҳозир мен рози бўлган бўлардим», дейди.

Ҳозир дуранг ва унга рози бўлиш ҳоллари маълум қоидалар билан белгилаб қўйилган: иккинчи марта дуранг таклиф қилиш - ўйинни битим билан тугаллаш учун, рақиб ўз навбатида бу ҳуқуқдан фойдаланган бўлиши шарт. Авваллари, яъни то бу янги қоида жорий этилгунга қадар, айрим шахматчилар хиралик билан ҳадеб жангни тўхта-тиш ҳақида таклиф қилавериб жонга теғардилар. Гросмейстер Котов шундай бир воқеани келтиради.

- Дурангга тобингиз қалай? - деб сўради мендан бир мастер 1946 йилда ўтказилган Москва чемпионатидаги учрашувимизда. (Давоми. Боши ўтган сонда.)

Йўқ. Бундан чиқди, дурангга рози эмас экансиз-да? - Йўқ, рози эмасман. Яна бир бор сўраяпман: дуранг қилишни истайсизми ёки йўқми? То қ а т и м - т о қ бўлиб, майда гап рақибимга: - Оғзингиздан яна битта сўз чиққудек бўлса судьяни чақираман, - деб дўқ қилдим. Шахмат жим ўтириб ўйналадиган ўйин. Икки рақиб беш соат бетма-бет турадилар. Қани бир ҳисоблаб чиқайликчи, ҳаҳон биринчилиги учун ўтказиладиган матчда 24 партия ўйналади, ҳар бири камида беш соатдан давом этади. Рақибга қарши юз йигирма соат

Мамажон МУҲИТДИНОВ ГРОССМЕЙСТЕРНИНГ БИР КҮНИ

Воқеий ҳикоя



тикилиб ўтириш керак. Бу, ҳаммаси бўлиб беш кечаю кундуз унинг «жамоли»га термулиш керак дегани. Ромео билан Жульетта учун айни муддао бўлиши мумкин бўлган бу хол гроссмейстерлар учун азоб-ўқубатнинг худди ўзгинаси-ку! Томонларнинг ўзаро гаплашиши расман таъқиқлангану, лекин қалбида туғён ураётган завқ-шавқдан ўзини босиб ололмаган тақдирда уни нима ҳам қилиб бўларди.

Столда ўтирганда гаплашиб бўлмасанда, турнир қоидаларига қўра, юриш навбати рақибдалигида саҳнани айланиб юрганлар қисқа суҳбат

қуришлари мумкин. Лекин бундан ҳам эҳтиёт бўлиш зарур. Ҳамма ҳам ўз ўйини ҳақидаги фикрларини бўлгиси келавермайди. - Сизнингча, позиция қалай? - иккинчи даражали турнирда ўйнаётган бир киши ҳадеб Алёхинга хархаша қилаверарди. Алёхин эса вазминлик билан жавоб беради. - Ҳўп ажойиб филларим бор-да! - деди ҳаваскор яна жаҳон чемпиони тўхтади. Ҳўп охирида бу майда гапнинг икки фили рақибнинг ёлғиз шохига қарши қолганида, лекин ер юзининг энг кучли шахматчиси унга далда беришни хоҳларди.

- Қалай, икки фил ютса керак-а? - яна сўради бу хира жаҳонб. Улар французча гаплашади. Бу тилда «фил» сўзи сал «эшак» ка ҳам ўхшаб чиқади. Жон-пони чиқиб кетган Алёхин: - Иккитаси ютади, учтаси бўлса - асло! деб бақириб берди. Шундай қилиб қаҳрамонимиз рақибига дуранг таклиф этишга ботина олмади. У албатта рози бўлмасди. Турнирнинг охириги минутлари қолиб, ўйин бугун тугамаслиги аниқ эди. Мана ҳакам ҳам столга конвертни қўйди. Бу мастер ўзининг 41-юришини тахтада қилмай, фақат бланкага ёзиши ва конверт ичига солиши кераклигини билдирар эди.

МАРОКЛИ МАШҚЛАР Иккала тасвирда ҳам оқлар бошлаб 2 юришда мот қилади.



ISHONCH
МУАССИС:
Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Мирғиёс ҚАЮМОВ
Тахрир хайъати:
Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари- «Ишонч-Доверие»), А.Алламурадов (масъул котиб- «Ишонч»), Ч.Латипов, М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-73

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Маълумоти: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот кўмитаси томонидан 00005 рақамли тўғривоҳона берилган. IBM компьютериде терилди ва сақланган. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табак, Сотишда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти - 21.00. Топширилди 22.30